

МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМ МАЖБУРИЙ ЭМАСМИ?

Ёхуд мактаб таълими ҳам ўтиш босқичида, қоқилиш жараёнида-ми?

3-бетда ўқинг



Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 23 август
сешанба
№ 32 (1340)

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

МУСТАҚИЛЛИК халқимизга берилган тарихий имконият, буюк ва бебаҳо нъматдир. 1991 йилнинг 31 август кuni мустақиллигимиз эълон қилиниши жуда катта тарихий воқеа бўлди. Ватанимиз ва халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга кириштириб, уни мустақамлаш учун тараққиёт сари дадил қадам ташлади. Ўтган 31 йил мобайнида дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси деган янги мустақил давлат муносиб ўрин эгаллади.

Ана шу тарихан қисқа бир даврда жуда катта ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўл босиб ўтилди. Мустақиллик Ватанимиз тарихида мутлақо янги ва шонли саҳифа очди. Барча соҳаларда жадал амалий ислохотлар юз бермоқда. Энг муҳими, мустақиллик эркин тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланишига кучли туртки берди. Эркин тадбиркорлик жамият ва давлат тараққиётини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ўзини намойён этди. Эркин тадбиркорлик тўғрисида одамларимизда бунёдкорлик қобилияти ва ишбилармонлик шижоати уйғонди.

ЭРКИН тадбиркорликка йўл



Давоми 2-бетда

“АДЛИЯ АЁЛИ” ТАНЛОВИ:

Билим, маҳорат ва нафосат намойиши!



ҲАР қандай эътироф, эътибор, ҳатто ҳар қандай синов ҳам аёлнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиради, ишонч тўғрисида мустақамлаш, ўзини кашф қилишга имкон беради, таъбир жоиз бўлса кўнглини кўтаради. Республикаимизда илк бор ўтказилган “Адлия аёли” кўрик танлови ҳам ана шундай билим, маҳорат ва нафосат имтиҳони бўлди, десак янглишмаймиз.

Маэкур кўрик танлов Адлия вазирлиги тизимида фаолият юритаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамиятдаги ролини ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини, касбий билим ва малакасини ошириш, ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш

мақсадида ташкил этилди.

Танлов икки босқичда бўлиб ўтди. Дастлабки босқичда 14 та худудий адлия бошқармалари ва 7 та муассасада хизмат фаолиятини олиб бораётган етакчи, фаол, ташаббускор хотин-қизлар республика босқичига йўлланма олиш учун ўзаро беллашди. Танловнинг дастлабки босқичида ғолиб бўлган

21 нафар адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари финал босқичида иштирок этди.

Дастлабки шарт “Мен ҳақимда” деб номланиб, ушбу шартда аёллар ўзлари ҳақида маълумот берувчи тақдирот намойиш этишди. Иштирокчиларнинг резюмелари ўзига хос ва замонавий медиа форматда ифода этилди. Иккинчи шартда эса аёлларнинг қонунчиликка таклифлари тингланди. Иштирокчилар бу шартда ўз билим ва тажрибасини намойиш этди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси иштирокчиси Сарвиноз Ҳайдарова Солиқ кодексининг 378-моддаси 6-бандида халқаро спорт мусобақаларида, фан олимпиадалари, маданий ва илмий тадбир ва мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаганлиги (мукофотланганлиги) учун олган бир йўла бериладиган пул мукофоти солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилиши лозимлигини, Солиқ кодексининг 369 ва 378-моддаларидаги “Ўзбекистон Рес-

публикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотлари” деган сўзлари, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган профессионал ва олий таълим ташкилотлари” деган сўзлар билан алмаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган хорижий ва нодавлат профессионал ва олий таълим ташкилотларида тахсил олиш учун тўланадиган тўловларга нисбатан ҳам даромад солиғидан имтиёзлар қўлланилиши лозимлиги ҳақида таклиф билдирди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасидан иштирок этган Наргиза Файзиева қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни асосида гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустақамлашга, хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ

ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар каби таклифлар берди. Наргизанинг таъкидлашича, вақтинча ҳибсхоналарда сақланаётган аёллар эркалар томонидан тинтув қилинади. Ваҳоланки, бу ердаги аёлларнинг айблари ҳали исботланмаган бўлади. Кўп ҳолларда улар эркаларнинг қўпол муносабатларига дучор бўлишади. Иштирокчи жинсий камситилишига йўл қўймаслик учун вақтинчалик сақлаш ҳибсхоналарида аёлларни аёллар тинтув қилиши лозимлигини таклиф қилди. Жиззахлик иштирокчининг фикрича, “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш керак!

Сурхондарё вилоят адлия бошқармасидан қатнашган Манзура Шодмонова эса ёлғиз онанинг боласига тўғилганлик ҳақидаги гувоҳнома қайд этилишида нафақат қонуний никоҳда турган отанинг аризаси, балки онанинг аризасини олиш бўйича таклиф билдирди. Иштирокчи бу бўйича ФХДда иш юритиш қоидаларига ўзгартириш киритиш лозим деб ҳисоблайди.

Давоми 8-бетда

Давоми. Бошланиши 1-бетда

ЭРКИН тадбиркорликка йўл

ЎТМИШНИНГ АЧЧИК САБОҚЛАРИ

Ўтмишда жамиятнинг иқтисодий негизини асосан социалистик мулкнинг икки хил шакли, яъни давлат ва колхоз-кооператив мулки ташкил этар эди. Фуқароларнинг мулки “шахсий” мулк алоҳида шаклдан иборат дейилса-да, бу мулк давлат корхоналарида, жамоат ташкилотларида меҳнат қилиш натижасида олинган даромадлар ҳисобига ташкил топиши, истеъмол характериға эга бўлиши ва фуқаронинг шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим эди. Шахсий мулк асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий жиҳатдан етарлича шароит йўқ эди. Хуқуқий жиҳатдан ҳам бунга йўл қўйилмасди.

Қолаверса, асосий ишлаб чиқариш воситалари фақат давлатга тегишли эди. Умумхалқ мулки деб айтилса-да, лекин мулкнинг эгаси шахсан ким эканлиги, ким унга жавобгар бўлиши ноаниқ экани мулкка нисбатан ҳўжасизлик, бепарволик, жамият-да умумий дангасалик ва беғамлик кайфиятларини вужудга келтирди. Фуқароларда меҳнатга нисбатан қизиқиш, тадбиркорлик фаолиятини учун керак бўлган ташаббускорлик ҳиссиётларини тарбиялашга имкон берилмади.

Ачинарли томони шундаки, маъмурий-бўйруқбозлик даврида бозор иқтисодиётининг объектив қонуниятлари инкор этилди. Оқибатда тадбиркорлик фаолияти ўта салбий маънода қораланиб келинди. Шу боис, унинг асоратлари давлат ва жамият тараққиёти учун ғов-ғўсиқ бўлди. Энг муҳими, тадбиркорларга нисбатан социалистик тизим даврдан мерос бўлиб қолган салбий қарашлар том маънода асосиз эканлиги исботланди.

ДАДИЛ ОДИМЛАР

Дунёвий тараққиётга эришишнинг асосий халқаро рейтинг кўрсаткичлари инсоннинг иқтисодий, шу жумладан, тадбиркорлик хуқуқларини амалга оширишга ҳам бевосита чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон 2021 йилда эълон қилинган ва ўзи учун устувор деб билган жами 19 та халқаро рейтингдан 11 тасида ўз позициясини яхшилаганлиги ҳам давлатимизнинг халқаро миқёсда ўрни тобора ошиб бораётганлигидан далолат беради. Хусусан, 2021 йилда глобал инновациялар индексида мамлакатимиз 7 поғонага кўтарилиб, 132 та давлат орасида 86-ўринини эгаллади. Ўзбекистон энг тез ривожланаётган мамлакатлар топ-10 талиғига кирди.

Индекснинг “Эркин савдо” кўрсаткичида Ўзбекистоннинг ўрни рекорд даражада яхшиланди. 2021 йилдаги 163 та ўриндан 67-ўринга кўтарилди ва Марказий Осиё давлатлари орасида етакчилиكنи қўлга киритди. Бундан ташқари, инвестиция, молиявий эркинлик ва монетар эркинлик кўрсаткичларида сезиларли ўсish кайд этилди.

ТАДБИРКОРЛИК – ЮРТ ТАЯНЧИ

Тадбиркорлик мустақил тараққиёт гарови. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда тадбиркорлик фаолиятининг роли беқасбдир. Эндиликда мулкчиликнинг хилма-хил шакллари иқтисодий ва хуқуқий жиҳатдан тенг равишда ривожланиши учун шароит туғилди. Мустақиллик туғайли эркин тадбиркорлик раванк топди. Тадбиркорлик тараққиётимиз қафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 36-моддасида “Хар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” эканлиги белгиланган. 53-модданинг иккинчи қисмида эса, “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида” эканлиги айтилади. Ушбу нормаларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Конституциямизнинг 53-моддасида “Давлат истеъмолчиларнинг хуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенг хуқуқчилигини ва хуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини қафолатлайди.” дейилади.

Президентимизнинг таъбири билан айтганда, “Тадбиркорлик – тараққиёт локомотиви, юрт таянчи” дир. Мустақиллик берган кенг имкониятлардан, шаклланган миллий тажрибадан янада кенг ва оқилона фойдаланиб тадбиркорлик соҳасида билим ва амалий кўникмаларни янада ривожлантириш, ислохотларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида бу борадаги тафаккуримизни ривожланган давлатларнинг энг яхши тажрибаларини қўллаш, айниқса, тадбиркорлик соҳасига рақамли технологияларни, жумладан, смарт технологиялар ва сунъий интеллектни татбиқ этишни тақозо этмоқда.

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Тадбиркорлик мустақил тараққиёт, тинчлик ва фаровонлик қафолатидир. Президентимиз ўтган йили 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказилган очик мулоқотда таъкидлаганларидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингта яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларга асосан, 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури ҳабардор қилиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, мuddатлари ўртача 2 бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хом ашё бўйича қўллаб чекловларга барҳам берилди. Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги субъектлар кескин қўнайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда.

Охириги беш йилда тадбиркорлар сони қариб 3 бараварга ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратди. Улар бошлаган иш кенг қулоқ ёзиб, тадбиркорлик субъекти нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ва брендиға эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Мулоқотда 500 га яқин тадбиркор қатнашди. Вилоятлардаги студияларда эса жами 2000 га яқин ишбилармонлар иштирок этди. Тадбиркорлардан 15 мингдан ортиқ савол, таклиф ва ташаббуслар келиб тушди. Шу қунгача жойларда уларнинг кўпчилиги ҳал этилди. Президентимиз ўз нутқида уларни хал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишини кўрсатиб ўтди. Биринчи йўналиши – бизнесни мулкялаштириш, иккинчиси – солиқ тизимини тақомиллаштириш ва бизнесға солиқ юкнини қамайтириш, учинчиси – ер ажратиш, тўртинчиси – инфратузилма, бешинчиси – экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, олтинчиси – транспорт-логистика, еттинчиси – соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш

масалалари эди.

Юртбошимиз бундай очик мулоқотни аянага айлантириб, хар йили ташкил этиш, 20 августни мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилиш таклифини бидирганлиги тадбиркорлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни хал қилишда муҳим кадам бўлди.

2022-2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган 29-мақсадга назарда тутилгандек, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароит яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш мақсад қилинди. Худудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес инкубаторлар тизимини ривожлантириш, шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш белгиланди. Илғор хорижий тажриба асосида факторинг амалиётини ривожлантириш, 2026 йилға бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкласини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоиздан 25 фоизга даражасига қамайтириш кўламокда. Худудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишписизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини тақомиллаштириш белгиланди.

РАҚАМЛИ ЗАМОН ВА МАКОН ҚОНУНИЯТЛАРИ

Рақамли иқтисодиётга ўтиш тадбиркорлик соҳасида янги-янги муаммоларни хал қилишни олдимизға қўймоқда. Қонунчилик-да IT компанияларнинг хуқуқий мақомини назарда тутиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг Европа комиссияси базаси талабларини тадбиркорлик қонунчилигини кодификациялаштиришда инобатга олиш лозим.

Авалло, рақамли бизнесни ривожлантиришда энг муҳим муаммоларни бартараф этиш лозим. Хусусан, қўллаб бизнес қорхоналарнинг рақамли иқтисодиётга тайёр эмаслиги бор гап. Бу жараёнға, айниқса, бизнес субъектларининг стратегик мақсад ва вазифаларнинг моҳиятини тўлиқ тушулмаётганлиги, амалдаги бизнес моделлар рақамли технологиялари билан уйғунлашмаганлиги, рақамли услубларни баҳолаш ва уни ўзлаштириб олишға тайёр эмаслиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Шу ўринда рақамли хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, юқори технология стартап мақомининг қонунчиликда назарда тутилмаганлиги, аянавий бизнес субъектларининг янги ва глобал рақамли моделға трансформациялашувда жуда катта қийинчиликка дуч келинаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, рақамли бизнес стратегиясининг узок мuddатли истикболлари ишлаб чикилмаган. Индустрия 4.0 технологик контентни бизнес соҳасига жорий этишнинг йўл ҳаритаси ишлаб чикилмаган. “Рақамли ишлаб чиқаришдан” “рақамли компанияға” ўтиш Концепцияси яратилмаганлиги, янги маҳсулот (ишлаб, хизматлар) рақамли бозорини лойиҳалаштиришда “товар-рақамли технология – мижоз” яхлит занжирининг мавжуд эмаслиги уни истикболда ривожлантиришда ижобий ёрдам бермайди.

Тадбиркорлик фаолиятида ечимини кутаётган энг катта муаммолардан бири рақамлаштириш шароитидаги илмий ва

ахборот таъминоти дир. Бу муаммони хал қилмасдан, тадбиркорлик фаолиятида ютуқларға эришиш жуда мушкул. Тадбиркорлик фаолиятининг замонавий ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб, маҳсул иختисослашган илмий-тадқиқот ва ўқув маассасаларини ташкил этиш зарур. Уларнинг мақомини қонунчиликда аниқ белгилаш, рақамли бизнесни ривожлантириш мақсадида ихтироқчилик, кашфётчилик ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиш, уларнинг муаллифларини рағбатлантириш зарур. Айниқса, рақамли тадбиркорлик фаолиятини хуқуқий тартибға солишға онд фундаментал, инновацион ва амалий тадқиқотларни давлат грантлари орқали қўллаб-қувватлашға эришиш лозим.

Тегишли бизнес субъектларида тадбиркорлик фаолиятини илмий-рақамли таъминлаш бўйича маҳсул бўлимлар ёки улар штат жадалида маҳсул лавозимларни назарда тутиш хар томонлама фойдалидир. Замонавий тадбиркорлик рақамли технологиялар ва сунъий интеллект бўйича билим ва кўникмаларға эга бўлишни тақозо этади. Рақамли технологиялар бизнес юриштининг келажакдир. Шу боис, бизнес соҳасига юксак малакали кадрларни, шу жумладан, ҳақиқий менежерларни тайёрлаш объектив заруриятдир.

Бизнесни малакали раҳбар ва мутахассис кадрлар корпуси билан таъминламасдан туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Дунё амалиётида бизнесни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш бўйича турли хил дастурлар мавжуд. Унда маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг фаол иштироки таъминланиши халқаро ва хорижий тажрибани қўллаш имкониятларини янада кенгайтиради. Масалан, “Tempus” дастури ўқитиш ва малака оширишға йўналтирилган бўлиб, тадбиркорлар билими ва амалий кўникмаларини оширишда муҳим ўрин тутди.

“Erasmus Mundus” дастури Европа Иттифоқи давлатларида ўқитиш ва амалиёт учун молиявий кўмак олиш дастуридир. Мазкур дастурнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, тадбиркорлик субъектлари учун имкониятларидан кенг фойдаланиши керак. Бу эса, улар юритаётган бизнеснинг самарадорлик даражасини оширишға хизмат қилади. Бундан ташқари, “European Enterprise Network” дастури ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун континентал тармок деб юритилди. У тек ахборот портали бўлиб, тадбиркорға ўз таваққулчилиги, услуби, ривожланиш имкониятларига тез мослашиш шароитини яратади.

Индустрия 4.0 йўлиға ўтишда фан – олий таълим ва самарали илмий тадқиқот институти – ишлаб чиқариш ягона занжирини (бунга фундаментал фан ҳам қиради) вужудга келтириш лозим. Шунга ўхшаш дастурларни тахлил қилиш амалиёти кўрсатмоқдаки, вазиятға мослашиш, рақамли технологик янгиликлардан ҳабардор бўлиш, замонавий билимларни пухта эгаллаш, молиявий ва бошқа қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари билан фойдаланиш тадбиркорлик муваффақиятининг гаровидир.

Хулоса қилиб айтганда, дунёвий глобаллашув шароитида Янги Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг қафолатлари нафақат мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, балки тадбиркорларнинг қонун билан қўриқланадиган хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишға хизмат қилади.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,
Тошкент давлат юридик университети
профессори, юридик фанлар доктори

МАКТАБ таълими боланинг мустақил ҳаёти учун илк қадам десак, муболага бўлмас. Мактабгача таълим тизимидаги муаммолар ҳам етарлича. Лекин айнан мактабга қабул жараёниларида тушунмовчилик ёки муаммо юзага келиши нима деган гап, ахир?! Ахир, мактаб таълими давлат томонидан мажбурий таълим сифатида белгиланган жараён-ку!

Мажбурий таълим мажбурий эмасми? Ёхуд мактаб таълими ҳам ўтиш босқичида, қоқилиш жараёнида-ми?



Бу йил фарзанди илк бор мактабга чиқадиган ота-оналарнинг ҳаммасида бир ташвиш – онлайн рўйхатдан ўтиш ва навбатга ёзилиш муаммоси!

Четдан қараган одамга онлайн рўйхатга олиниш бугунги куннинг олтин қондасидек чиройли кўринади. Аммо... ҳақиқий аҳолини кўриб, юзага келадиган тушунмовчилик муаммолар, норозигарчиликларни кузата туриб, онлайн қабул ҳам ўзини оқлайдиган даражада мукамал эмаслигига амин бўласиз!

Онлайн қабулнинг қулайлиги, коррупциявий ҳолатлардан холи тизим экани, шаффофлиги бошқа бир масала. Гап унинг аҳоли учун қулай ёки қулай эмаслиги ҳақида кетса, ота-оналарнинг норозилигини индамайгина эшитадиган масъулларга нима бўлган ўзи, деган фикрга келасиз. Наҳотки, мактаб таълими ҳам ўтиш босқичида, қоқилиш жараёнида бўлса?!

Қоқилиш деб аташимизнинг боиси, мактабга қабул суғашлик ёки бепарволик билан қарорга келинадиган даражада кераксиз ёки иккинчи даражадаги масала эмаслиги барчамизга аён ҳақиқат! Лекин ота-оналар бир ойлаб қарор бўлса, онлайн тизим дегани доим аризангизни рад этаверса, офлайн тизимдан фойдаланиш истаганида тегишли масъулларга мурожаат қилинганда эса, онлайн ариза топширинг, деган жавобдан нарига ўтилмаса, сарсон бўлаётган ота-оналар нима қилсин?! Уларнинг додини эшитадиган одам борми?!

ИЖАРАЧИНИНГ КУНИ КҮРСИН...

Ўзи ижара уйда яшайдиган, лекин яшадиган манзилда вақтинча рўйхатда турмайдиган аёл онлайн аризаси бир неча марта рад этилаётганини айтиб, маслаҳат ва ёрдам сўрайди. Ўзи олий маълумотли бўлган бу аёлни онлайн тизимни тушунмайдиган даражада нуноқликда айблагша шошманг! У август ойининг бошидан шу кунгача ҳатто тунги соатларда ҳам онлайн ариза топширишга бир неча марта лаб уриниб кўрганини айтиди. Катта фарзандлари ўқийдиган, ижара уйи яқинидаги мактабда бўш ўрин йўқлиги сабаб аризаси рад этилаётганидан норози.

– Икки қизимиз ҳам ёнгинамиздаги мактабга чиқишди, – дейди аёл авваллари бундай муаммога дуч келмаганини таъкидлаб. – Бу сафар учинчи фарзандимнинг мактабга чиқиши муаммо бўлапти. Ўз уйимиз бўлса ҳам майли эди. Тасаввур қилинг, ҳар кун фарзандингиз узоқдаги мактабга борса, ўзингиз ишласангиз, ишламай десангиз, ижара пули муаммо. Фалон пул тўлаб ижарада яшайдиганлар учун боласига ҳатто йўл чиптаси олиб бериш ҳам ортиқча ҳаражат-ку! Лекин

буни кимга айтасиз, кимга тушунтирасиз? Айтсангиз, арз-додингизни ким эшитади?! Онлайн тизим қилинса қилинибди. Замоनावий имкониятларга қаршилигимиз йўқ. Лекин бизга ўхшаб учта боласи мактабга чиқса ҳам ижарада яшайдиган оилалар учун боласини мактабга жойлаштириш масаласида ўша онлайн тизимда имтиёзли имкониятлар яратилиши керак! Сарсон бўлаётган бир мен эмас...

Аёлнинг зиёли бўлса-да, замонавий имкониятларни ҳар қанча тушуниб, ўзгаришлар янгиликларни кадрласа-да, бошига тушган муаммони ҳал қилолмаётгани бир масала. Унинг ижарада яшаб, ишлаб, уч фарзандни тарбиялаётгани ўзи бир қаҳрамонлик! Олий маълумотли эр-хотиннинг гарданнида фалон долларлик ижара тўловидан тортиб, қора қозонни қайнатиб, болаларига янги мактаб формаси олиб бериш, ўқув қуроллари қўшимча дарслар учун ишлаб пул топиш деган катта ҳаражатлар турган бир маҳалда ёнгинасида мактаб бўла туриб, узоқдаги мактабга, яна 1-синфга боласини чиқариш, ҳар куни эрталабдан уни мактабга олиб бориш олиб келиш деган муаммолар ҳам қўндаланг турибди! Болага йўл чиптаси олиш ҳам бу оила учун муаммолиги қундай равшан!

“ХАЙР БОҒЧА, САЛОМ КҶЧА...”

Микрохудоудан ташқаридаги мактабларга қабул учун ариза юбориш 30 августгача давом этиши айтилди. Айни кунларда фарзандларини 1-синфга жойлаштириш учун t.me/maktab.uz электрон платформаси орқали микрохудоудан ташқари бўш ўринлар бўйича қўшимча ариза топшириш давом этмоқда. Ариза юбориш эса, жорий йилнинг 30 августида якунланади (<https://t.me/uzedu/17986>).

16 августдан бошлаб Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидан ташқари бошқа худудда истиқомат қилувчи фуқароларга микрохудоудан ташқари қабул учун ариза юбориш жараёни ҳам ишга туширилди. Бугунги кунга қадар республика бўйича 650 миң нафардан ортиқ болалар (режага нисбатан 92 фоиз) 1-синфга қабул қилинибди. Лекин ота-оналарнинг норозилиги сира қамаймапти. Аҳоли неча онлайн қабулдан норози бўлмоқда? Шу саволга жавоб излаб бир қатор ҳамюртларимиз билан суҳбатлашдик. Ҳаммасининг дарди бир – боласини уйига яқин жойдаги мактабга ўқинишга жойлаштириш.

Нозима исмли аёл ҳам дардини кимга айтишини билмай юрибди:

– Ҳаммаюм боласини юқори даражада билим берадиган мактабга бергиси келади. Боринг-ки, микрохудоудингизда ана шундай мактаб бўлса яқин, лекин бўлмаса-чи? Фарзандининг келажagini

ўйлаётганлар нима қилсин? Менимча, бу муаммони ўрганиш керак. Хусусий мактаблар қиммат, ҳаммининг ҳам чўнтаги кўтармайди. Бизга квота тўлди дейишди. Янги квота очилгунча прописка қилдириб келинг, дейишди. Прописка деган нарсани йўқолганди шекилли. Нега яна талаб қилинапти? Шунга тушунмайтман?

Ижарада турмаганлар уйи йўқларнинг муаммосини қайдан тушуysin?! Вақтинча рўйхати мавжуд бўлмаган, доимий рўйхатда бошқа жойда турганларнинг муаммоси кўпайди. Зудлик билан прописка қилдириш керак, бўлмаса, мактабгача таълимда хайрлашув кечасини ўтказиб, “хайр, жонажон боғчам, салом мактаб!” деган кайфиятда турган етти ёшли боласи на мактабга, на боғчага боради энди. Аросатда қолади, аросатда! Қўшимча квота берилди, қўшимча синфлар очилди, деган гапларга ишонганлар ҳам бугега таниш-билишчиликмикан, деган ўйда хайрон бўлишмоқда. Сабабини суҳбатдошимиз Мадина Ҳамдамова шундай изохлайди:

– Эрталаб кўзимни очишим билан t.me/maktab.uz сайтыга қўшимча квота учун электрон ариза жўнатман. Нима бўларкан-а, шу сайт ишласа! Нуқул “танланган мактабда бўш жой топилмади” деган жавобдан бошқасини ололмайтман. Нима эмиш, худудимиз бўлсагина, мен истаган мактабга фарзандимни жойлаштиришим мумкин экан! Ахир, опаси шу мактабда ўқийди. Оиламиз учун қулай, уйимнинг ёнгинасида жойлашган. Бизга ўхшаб ишлайдиган ота-оналар учун биринчи навбатда шуниси муҳим-ку!

Заҳронинг ҳам дарди шу. Боласини мактабга жойлаштириш керак. Лекин унинг ҳам қўшимча квоталарга ишовчи йўқ:

– Қўшимча квотага ўша худудда вақтинча пропискани берлар олинди. Янги кўчиб келган ҳарбийлар, давлат томонидан ишга жойланганларнинг фарзандлари билан тўлиб қолади. Шунинг учун вақтинча прописка қилдиришлар дейишганди. Тезда қўйиб беришяпти экан прописакга.

АЙБ УЛАРНИНГ КАТТА ОДАМ БЎЛГАННИ-Ю, “КАТТАРОҚ” ОДАМ БЎЛМАГАННИ?

Вақт ҳамма нарсани ҳал қилади, дейишди. Лекин бугун биз қаламга олган масалани вақтдек олий ҳақамнинг ҳукмига ташлаб бўлмайди. Ахир, янги ўқув йили бошланганига савоқлигина кунлар қолди. Президент сўвғасини олишга интиқ, мактаб борамай, деб кўзлари чакнаб турган фарзандининг саволларига жавоб топиб берилаётган ота-оналар нима қилсин?! Айб уларнинг катта бўлгани-ю, “каттарок” одам бўлмаганими?! Таниш-билишчиликка, коррупцияга чек қўямиз деб, онлайн қабул орқали янги муаммоларни бошлаб олганимиз кўриниб турибди.

– Мажбурий таълим мажбурий эмасми, дейман. Эртага саккиз ёшга қараб кетаётган ўғлим мактабга чиқолмаса, хайрон қолмайман. Олий таълим майли, билими, қурби етганлар ўқийди, лекин мактабда ўқиниш мажбурий таълим-ку! Бу кетишда болаларимиз саводсиз бўлиб қолади-ку! – дейди суҳбатдошларимиздан яна бири.

Нима бўлганда ҳам, боғчадаги таълим-тарбиянинг узвий давоми бўлган мажбурий таълим – мактаб таълимига қабулни бу даражада бепарволик билан амалга ошириш нотўғри. Мактаб таълимига ҳамма бола қамраб олинини шарт! Бу борада ҳамма масъулиятни ота-оналарнинг ўзига ташлаб қўйиб, онлайн тизим жорий этдик, деб рад жавобини электрон кўринишда бериб, томошабин бўлиб ўтириш ноўрин! Ҳар қандай янги тизим аҳоли учун хизмат қилгандагина, ундан одамлар рози бўлгандагина, ўзини тўла оқлайди. Масъуллардан юқоридagi муаммоларга изох кутиб қоламиз.

Гулбахор ОРТИҚХҶАЕВА,
“Инсон ва қону” музбири

БИЛАСИЗМИ?

СОҒЛИҒИ ёмонлашган ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини иш берувчига топшириб, ўзи даволанишга ётиши лозим.



СОҒЛИҒИ ЁМОНЛАШГАН ХОДИМ: У ЎЗИНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАШИ КЕРАК?

“Давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандига кўра вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилади:

- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастланишда);
- санаторий-курортларда даволанганда;
- касалланган оила аъзосини парваришlash зарур бўлганда;
- карантинда;
- сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
- меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

Низомнинг 10-бандига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади.

Ёдда тутинг! Меҳнат кодексининг 177-моддасига кўра, иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажариши, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳаққи эмас.

Шунга кўра, ушбу вазиятда иш берувчи соғлиги ёмонлашган ходимни ўз ишларини туғатгандан кейин даволанишга кетиш ёки даволаниш даврида ҳам ўз меҳнат фаолиятини давом эттириш учун мажбурлашга ҳаққи йўқ.

Эътибор беринг! Бундай вазиятларда иш берувчига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан, яъни мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни ҳужжатларини бузиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, соғлиги ёмонлашган ходим даволаниш учун вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик таътилига чиққан даврда иш берувчи томонидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўламаслик ёки белгиланган миқдорлардан кам тўлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолат Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 493-моддасига асосан иш берувчига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, бу вазиятда ходим ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши сўраб Аҳоли бандлигига қўмақлашиш маркази ҳузуридаги давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори ёки тегишли тумандаги адлия бўлимига ариза билан мурожаат қилиши лозим.

Мақсуд МУСТАФОЕВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими



Ҳомиладорнинг ҳаққига кўз олайтирманг!

МЕХНАТ кодексининг 233-моддасида аёлларга туққунига қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ фарзанд туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиши ва нафақа тўланиши; ҳомиладорлик ва туғиш таътили туғангандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парвартириш учун таътил берилиб, қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўланиши белгиланган.

ФАРҒОНА

БУНДАН 3 йил муқаддам – 2019 йил 6-7 май кунлари Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Риштон тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан бир қатор топшириқлар берилган эди.

Яна ўша гап! Бузиш ёқади, тўлови чақади-ми?



Ана шу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 13 май кунини туман ҳокимининг 2852-сонли қарори қабул қилиниб, унда туман маркази қиёфасини тубдан ўзгартириш назарда тутилган. Айни ҳужжат қабул қилинган, тадбиркор ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулклари, яъни бино-иншоотлари бузиб ташланади. Улар орасида Риштон “Автошохбекат” масъуляти чекланган жамияти ҳам бор эди.

Гап шундаки, мазкур МЧЖнинг 553,01 метр квадрат ер майдони давлат ва жамоат эхтиёж

лари учун олинади. Ўша пайтда, Фарғона шаҳридаги “Континент имкон баҳо” МЧЖнинг 2019 йил 26 августдаги хулосасига мувофиқ “Автошохбекат”нинг бузилган мулклари 450 миллион 88 минг 446 сўмга баҳоланган. Бирок оранда 3 йил ўтса ҳамки, туман ҳокимлиги томонидан компенсация пули тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган жамият раҳбари М. Дадаев мазкур масалада амалий ёрдам сўраб, Риштон туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Албатта, мазкур мурожаат адлия бўлими томонидан ўрганилганда юқоридаги ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Шу боис жамият манфаатини кўзлаб, Риштон туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилди.

Суд ишга дахлдор ҳолатларни ўрганиш ва уни мазмунан тўғри хал қилиш мақсадида суд-қурилиш экспертизаси тайинлади. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Наманган вилоят бўлимининг 2022 йил 30 июндаги хулосасига асосан Риштон “Автошохбекат” МЧЖ бино ва иншоотларининг бозор баҳоси 2019 йил 3 май ҳолатига 674 миллион 797 минг 171 сўмни ташкил этган. Шунинг учун суд Риштон туман ҳокимлигидан жамият фойдасига 674 миллион 797 минг 171 сўмни ундириш юзасидан хал қилув қарори қабул қилди.

Лазизжон АСҚАРОВ,
Риштон туман адлия бўлими
етақчи маслаҳатчиси

Бирок, айрим мансабдор шахслар томонидан аёлларнинг қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлари бузилаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлмоқдамиз.

Хусусан, Поп туманида яшовчи фуқаро З. Сармуқокова тумандаги 1-сонли касб-ҳунар мактабида ўқитувчи бўлиб фаолият юритиб келган. Унга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 20-бандида кўрсатилган нормаларга асосан нафақа тўланиши ҳам белгиланган.

Шунингдек, мазкур Низомнинг 40-бандида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлиши белгиланган. Афсуски, З. Сармуқоковага 2022 йил 14 февраль кунини меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилган бўлса-да, иш берувчи томонидан ҳодимга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тўланмаган. Фуқаронинг бир неча бор қилган мурожаати ҳам натижасиз қолган. Шундан сўнг у адлия бўлимидан амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Туман адлия бўлими томонидан мурожаатни ўрганиш давомида фуқаро З. Сармуқокованинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлари поймол этилганлиги аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига ариза киритилди. Суднинг тегишли ҳужжатига асосан жавобгардан мурожаат эгаси фойдасига 8 миллион 200 минг сўм ундириш белгиланди.

Баҳром АЛИМОВ,
Поп туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ

ҚҲЙИ Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан туман адлия бўлимига 100 га яқин мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг аксарияти Вазирлар Маҳкамасининг 446-сонли ва 583-сонли қарорлари ижроси, яъни (коронавирус даврида тиббиёт ходимларига тўланадиган устама пуллари) тўланмаганлигидан норози бўлиб ёзилган мурожаатлардир. Ушбу аризалар туман адлия бўлими томонидан ҳуқуқий таҳлил қилиниб, қарор ижросини таъминлаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда туман молия бўлимига сўров хати юборилди.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ НОРОЗИЛИГИ НИМАДА?

Шунга қарамадан, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан юқоридаги қарорлар ижроси таъминланмагач, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича ҚҲЙИ Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Афсуски, суд томонидан ҳам ушбу даъво аризаси рад этилди. Туман адлия бўлими ушбу ҳолатдан норози бўлиб, апелляция тартибда вилоят судига ариза киритди. Ванхоят вилоят суди томонидан даъво аризаси қаноатлантирилиб, ходимларнинг компенсация пуллари ундириш тўғрисида суд қарори қабул қилинди. Тиббиёт ходимларининг компенсация пуллари тўлиқ тўлаб берилди.

Шохрух НҲМОНОВ
ҚҲЙИ Чирчиқ туман адлия бўлими етакчи
маслаҳатчиси



МУАЛЛИМА ҲАЗИРАГА ТИКЛАНДИ

АНДИЖОН шаҳрида яшовчи фуқаро Ҳ. Акбаралиева уч йилдан бунён шаҳардаги 20-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига мусиқа раҳбари лавозимида ишлаб келади. Шу давр мобайнида болажонларнинг сеvimли устозига айлиниб улғурди, аммо сўнгги пайтда турли сабабларга кўра, раҳбарият билан келишолмай қолди. Босимлардан қарчаган муаллима жорий йилнинг июнь ойи ўрталарида ўз хоҳишига кўра, лавозимидан бўшатишларини сўраб, ариза беришга мажбур бўлди. Аризани тақдим қилаётганида унга сана қўй-маслигини айтиб, қабул қилиб олишди.

Бирок иш берувчи томонидан 15 июнь санасида тақдим қилинган ариза ўз вақтида қўриб чиқилмади. Қонунчиликда белгиланган муддат ўтиб кетган бўлса-да, ишдан бўшатилмаган Ҳ. Акбаралиева ўз ишини давом эттирди. Аммо жорий йилнинг 22 июль кунини муассаса раҳбарияти унга ўз аризасига мувофиқ 15 июндан ишдан бўшатишларининг илдоа қилди.


Ҳуқуқлари бузилаётган Ҳ. Акбаралиева қонуний ишдан бўшатишларининг норози бўлиб, ишга қайта тиклашда ёрдам сўраб, Андижон вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида Ҳ. Акбаралиеванинг ўз хоҳишига кўра ёзган аризасида 2022 йил 1 июндан ишдан бўшатиш сўралган бўлиб, имзо қисмида ҳам айнан ушбу сана (ариза аслида 15 июнда тақдим қилинган бўлса-да) қайд этилганлиги, иш берувчи томонидан буйруқ жорий йилнинг 15 июль санасидан расмийлаштирилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, мурожаат эгаси ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ билан таништирилмаган ҳамда унга меҳнат дафтарида тақдим қилинмаганлиги ўз тасдиғини топди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 99-моддасида ходим томонидан ишдан бўшаш ҳақидаги ариза берилгандан сўнг “Агар оғохлантириш муддати туғангандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотди, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди”, деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунини иш берувчи буйруқ нусхасини ходимга бериши керак эди.

Юқоридаги қонунбузилишнинг бартараф этиш мақсадида адлия бошқармаси томонидан 20-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти маъмуриятига фуқаро Ҳ. Акбаралиевани ўз иш жойига тиклаш тўғрисида тақдимнома киритилиб, ўқитувчи ўз ишига тикланди.

Акмалжон АЗИМОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ: У ҚАНДАЙ КЕЛИШУВ?

МЕХНАТ шартномаси – ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишувидир. Шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишув.

Меҳнат шартномасининг бир тарафи – яъни ходим сифатида иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахслар бўлиши мумкин. Меҳнат шартномасининг иккинчи тарафи – иш берувчи, яъни корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тиссолида; мулкдорнинг ўзи айни бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар; 18 ёшга тўлган фуқаролар фақат шахсий маиший эхтиёжлари учун бошқа шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиши (ўй хизматчиси, энага, шофёр билан меҳнат шартномаси тузиш) мумкин.

Меҳнат шартномасининг айрим шартлари бевосита қонун ҳужжатларида назарда тутилади (меҳнат

таълимининг энг кам муддати, барча ходимлар учун энг кўп иш вақти, интизомий жазо турлари ва уларнинг қўлланиш тартиби ва бошқалар).

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда, бир хил кучга эга бўлган камидан 2 нусхада тузилади. У номуайян муддатта, 5 йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатта ва муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, бундай ҳолда меҳнат шартномаси номуайян муддатта тузилган деб ҳисобланади. Меҳнат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб кучга кириди. Ходим ўзига юллатилган меҳнат вазифалари билан таништирилиши лозим. Меҳнат шартномаси тарафлар келишувига

асосан дастлабки синов белгилаш шартини тузилиши мумкин.

Айрим тоифадаги ходимлар, жумладан, ҳомиладор ва 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек, 6 ойгача муддатта меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди. Дастлабки синов муддати 3 ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Синов муддати туғангунга қадар ҳар бир тараф 2-тарафини 3 кун олдин ёзма равишда оғохлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

Амин ШАМСИЕВ,
Когон туман адлия бўлими
Юридик хизмат кўрсатиш
маркази бош юриконсулти



ПЕНСИЯГА ЧИҚИШИМ УЧУН ҚАНЧА ИШ СТАЖИ КЕРАК?

– **Ўғлим болаликдан ногирон. Унга алоҳида парвариш зарур. Шунинг учун бирор ишга кириб, ишлай олмайман. Пенсияга чиқишимда менга имтиёз бериладими? Пенсияга чиқишим учун қанча иш стажига эга бўлишим кераклигини билмоқчи эдим.**

– Агар иш стажингиз мавжуд бўлмаса, сизга ёшга доир пенсия эмас, ёшга доир нафақа тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги фармонининг 19-бандига асосан 2019 йил 1 мартдан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўлашни жорий қилинган. Президентнинг 2011 йил 7 апрелдаги қарори 2-иловаси 6-бандига асосан ёшга доир нафақа болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга – 55 ёшга етганда тайинланади.

Сизнинг болаликдан ногирон фарзандларни парваришлаганлигингиз ҳолати бўйича пенсия тайинлаш учун зарур стажингиз мавжуд бўлмаса, 55 ёшга тўлганингизда ёшга доир нафақа тайинланади.

Агар ишга кириб, камиди 7 йил иш стажига эга бўлсангиз, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни 8-моддаси ва 37-моддаси “д” бандига асосан 18 ёшгача бўлган ногирон болага қараб турилган вақт даври ҳам стажингизга қўшилиб, бор стажингиз асосида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз.



ИЖАРА ТЎЛОВИМ ҚОПЛАНДИМИ?

– **Олийгоҳ талабасиман. Бу йил ётоқхона берилмайди дейишди. Курсдошларим билан ижарага уйга жойлашдик. Ижара уйда яшаётган талабаларга ижара тўлови бўйича имтиёз бор дейишди? Шунинг қонуний тартиби бўйича маълумот берсангиз.**

– Сиз айтётган имтиёз Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги “Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар

томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра берилди. Қарорга кўра, 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет ҳисобидан қоплаб берилди.

Давлат олий таълим муассасаларининг фақат кундузги таълим шаклида, давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида тахсил оладиган ва ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган барча талабаларга ойлик ижара тўловининг бир қисми белгиланган мезонлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилди.

Демак, Сиз ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш учун ўзингиз таълим олаётган факультетга ёки олий таълим муассасасининг талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлимига ёзма ариза билан мурожаат қилишингиз зарур.



НАФАҚА ОЛИШИМ МУМКИНМИ?

– **Келиним билан ўғлим аптоҳалокат сабабли оламдан ўтди. Набирим қарамоғимда қолди. Набира қизим болаликдан ногирон. Ногирон болани қараганлик учун ҳам нафақа берилди дейишди. Шу бўйича маълумот берсангиз?**

Қонуниликка кўра ўзгалар парваришига муҳтож болаликдан ногиронлиги бўлган болаларни парвариш қилаётган шахсларга нафақа тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдорда нафақа тўлови жорий этилади. Парваришлан нафақаси фуқароларнинг давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қилган мурожаатлари асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.



Саволларга “Мадад”
ННТ бош мутахассиси
Элбек ИСКАНДАРОВ
жавоб бериди.



ТАҚИҚ ҚАНДАЙ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН?

– **Собиқ оиладаги фарзандларимга алимент тўлайман. Хорижга чиқишимга тақиқ қўйилди. Хорижга ишлагани кетмоқчиман. Бу тақиқни бекор қилдириш учун нима қилишим мумкин?**

– Алимент тўловчи фуқаро чет элга чиқиш учун қуйидаги учта ҳолатлардан бирини амалга оширган ҳолда тақиқни бекор қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни 40-моддасига асосан ундирувчининг, яъни собиқ турмуш ўртоғининг розилиги, яъни ижрони тўхтатиш ҳақидаги аризасига асосан тақиқ бекор қилиниши мумкин.

Ушбу қонуннинг 421-моддасида вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тўзилган бўлса, давлат ижрочиси тўлов ёки гаров шартномаси тўғрисидаги тегишли ҳужжат олинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан манфаатдор шахсларни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини кўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади. Бунда гаров қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) икки юз эллик бараваридан кам бўлмалиги лозим.

Ушбу қонуннинг 421-моддасига асосан, Давлат ижрочисининг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш ҳамда прокурор томонидан келтирилган протест асосида тақиқ олиб ташланиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

КИТОБ инсон маънавияти ва ақлу заковатининг мураббийси, уни қомиллик сари элтвучи ягона йўлдир. У хоҳ дарслик, хоҳ бадий ёки илмий асар тарзида бўлсин, бизга жуда катта ҳаётий сабоқ беради. Шу боис, бирор бир савол ёки маънавий эҳтиёж тўғрисида, албатта, китобга мурожаат қиламиз.

КИТОБ ҚАНДАЙ САҚЛанаДИ?



Аммо ана шу бебахо неъматни биз қандай сақлаймиз?

Баъзан китоб мутоаласида танаффус қилиб, ўқиётган бети – вароғининг четини буклаб қўвчи кишилар ҳам бор. Ёки бошқа бир ўқувчи китобни иккига буклаб ўқиётганига ғувоҳ бўламиз. Яна айрим тоифа инсонлар эса китобни ўқиб бўлгач, уни ўтирган ўрнига, ҳали ақлини танитмаган боланинг қўли етдиган жойга, иссиқ-совуқ, ифлос ёки нам ерга, ҳатто, оёқ остига ҳам ташлаб кетаверади. Эрта-индин ундан фарзандлари, неварачаваралари ҳам маънавий озука олишини ўйламайди. Баъзи “китобхон”лар (айрим талабалар) китобдан фойдаланаётганда унинг бетларига ўзига маълум бўлган белгиларни қўйиб чиқади, ёзади-чизади. Энг ачинарлиси, имтиҳонга кириб кетаётганда китоб вароғини йиртиб олиб кириб кетадиганлар ҳам йўқ эмас. Шу ўринда ҳақли савол тўғрисида: ҳўш, китоб қандай сақланади?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, китобни сақлаш деганда унинг жисмоний ҳолати назарда тутилади. Китобнинг жисмоний ҳолатига об-ҳавонинг ўта иссиқ ёки совуқлиги, намлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, газланиши, қолаверса, бактериялар, грибоклар, кемирвучилар, сув тошқини ва ёнғин сингари табиий офатлар таъсир қилади. Шунинг учун китоб хоҳ босма, хоҳ кўл ёзма шаклда бўлсин, вароғи четидан маълум ўлчамда жой ташланадиги, бундан қўланган мақсад кемирвучилар зарари ва ёнғиндан сақлаш эканлиги шубҳасиз.

Табиийки, энг нодир ва асосий манбаалар кутубхоналарда сақланади. Бинобарин, кутубхона биноси қурилаётганда энг аввало барча техник шартларга риоя қилиниши керак. Кутубхонада ҳаво алмашинуви муҳим аҳамиятга эга. Ҳаво ҳарорати +17-19 даражадан, намлиги эса 55 фоиздан ошмаслиги шарт. Замонавий китоб жавонлари – стелажлар оралиғи 75 сантиметрдан кам бўлмалиги лозим. Бундан ташқари китоблар жойлаштирилган стелажлар ҳамда кутубхонанинг томи (чердак) ҳар йили бир марта (агар улар ёғочдан бўлса) маҳсул ёнмайдиغان ва кимёвий суюқликлар билан таъмирланиши керак.

Китобхон китобни қўлига олгач, уни синчиклаб текшириши зарур. Борди-ю, китобнинг бирор камчилиги аниқланса (муқоваси кўчган, вароғи йиртилган ёки чизилган бўлса), бу ҳусусда кутубхоначига айтиши шарт. Олинган китоб нуқсонини ўзбошимчалик билан бартараф этиш тақиқланади. Айни пайтда мамлакатимиз кутубхоналарида китобни сақлашнинг янги усули, яъни электрон шаклига ўтказилган.

Маълумки, хонадонларда китоблар асосан одам бўйидан баландроқ китоб жавонлари ва қўтиларда сақланади. Бу нафақат китобни сақлаш усули, балки, ота-боболаримиз берган китобни ардоқлаш тарбияси ҳамдир. Албатта, унинг сақланишига салбий таъсир этувчи омишлар кутубхоналар қатори хонадонлар учун ҳам тааллуқли. Шунай экан, биз катталар бунинг моҳиятини фарзандларимизга ҳам тушунтириб боришимиз мақсадга мувофиқ. Зеро, китоб инсоннинг дардақи, маслақдоши ва таянчи эканлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Ҳуқуқий фанларнинг ривожланишига

НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИКЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАРНИНГ СИФАТИ, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЮРИДИК ТАЪЛИМ СИФАТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОГЛИК. Кенг қўламли ислохотларни илм-фансиз, таълим сифатини оширмасдан, ҳуқуқий фанлар ривожини таъминлашмасдан амалга ошириб бўлмайди. Ҳозирги кунда юридик фанларнинг ютуқларидан қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, юридик таълимни ривожлантиришда кенг фойдаланилмоқда.

Шу маънода таълим соҳасини такомиллаштириш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонунлари, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди.

Бевосита ҳуқуқ фанини ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимида давлат ва ҳуқуқ институтининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида Олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари тегишли йўналишларда илмий фаолият билан шуғулланишлари шартлиги белгиланган.

ИЛМИЙ МАКТАБ ВА ИЛМИЙ ТЎГАРАКЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тошкент давлат юридик университети – ТДЮУ юридик кадрларни тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда таянч олий ўқув ва илмий-услубий муассаса ҳисобланади.

ТДЮУ нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда етакчи бўлган ва ўтган фаолияти давомида йигирма мингдан ортиқ юқори малакали юридик кадрларни етиштириб чиқарган олий таълим муассасасидир.

Ҳозирда ТДЮУ ҳузурида 13 та ихтисослик бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий

кенгашлар тузилиб, муваффақиятли фаолият юритилмоқда. Тошкент давлат юридик университети ҳузурида илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда 2019 йилда 15 та, 2020 йилда 37 та, 2021 йилда 45 та, 2022 йилнинг ўтган даври давомида 18 та докторлик диссертацияси ҳимояси ўтказилди.

ТДЮУда “Устоз-шогирд” аънаси асосида талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш борасидаги қизиқишларини ошириш, университетнинг мамлакатимиз илмий ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлишини таъминлаш мақсадида илмий мактаб ва илмий тўғарақлар ташкил этилди. Натижада илм-фан ва таълимнинг узвийлигини таъминлаш механизми яратилди.

Илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи ёшларни бирлаштириш, уларни илмий-тадқиқот фаолиятига тизимли асосда йўналтириш орқали таълим сифатини ошириш мақсадида “Ёш олимлар клуби” (Young Scholars Club) ташкил этилди.

Тахсиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ҳуқуқий фанларнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омиллар илмий тадқиқот билан шуғулланишдан манфаатдорликнинг пастлиги, ҳаттоки бу жараён ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги билан боғлиқ. Яратилган илмий ишланмалар ва илмий баҳоратларни рўёбга чиқариш, уларни нашр этиш, тижоратлаштириш муаммоси мавжуд.

Ижтимоий-гуманитар, шу жумладан, юридик соҳадаги фундаментал лойиҳалар амалга оширилиши натижасида тижоратлаштиришга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқилишини каътий талаб қилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби, фундаментал тадқиқотлар натижалари бошқа фойдали кўринишда ҳам мамлакатимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшилиши мумкин. Масалан, сифатли қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши жамиятимиз ҳаётининг яхшилашга, тадбиркорлик ривожланишига ҳамда

бюджетга солиқ тушумини кўпайтиришга олиб келади.

ТАКЛИФ ВА ХУЛОСА

Ҳуқуқий фанларни назарий ва амалий самардорлигини ошириш нуктаи назардан қайта қўриб чиқиш ва янгиллаш ҳамда юридик илм-фан ва таълимнинг амалиёт билан интеграциясини янада ривожлантириш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш лозим.

Ривожланган давлатларнинг таълим тизимидаги илгор тажрибасидан келиб чиқиб, магистрлик диссертациялари ва малакавий битирув ишлари мавзуларини иш берувчи орган (идора, ташкилот)лар, вазирлик ва қўмиталарнинг буюртмаси асосида шакллантириш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

Амалиёт ходимларининг ҳуқуқий билиминини ошириш бўйича замонавий, инновацион онлайн ўқув портали яратиш зарур. Мазкур портал ҳуқуқшунослик соҳасидаги қонунчилик базаси, қонун ҳужжатлари шарҳлари, ўқув, ўқув-услубий қўлама, илмий мақолалар, ахборот-тахлилий ва статистик материаллар ҳамда бошқа адабиётлар туркумидан иборат бўлади ва мунтазам янгиланиб борилади.

Ҳозирда ушбу соҳада чуқур илмий тадқиқот олиб бориш учун амалиёт материаллари, жумладан, статистика билан танишиш имконияти чекланган. Давлат статистика қўмитаси сайтида эълон қилинмаётган ахборот тўлақонли ва кенг камровли тадқиқот олиб бориш учун етарли эмас.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда юридик илм-фан ва таълимнинг амалиёт билан интеграциясини такомиллаштириш, юриспруденция соҳасининг жамият ва давлат тараққиётидаги драйверига айланишига хизмат қилади.

Икром ЭРГАШЕВ,

Тошкент давлат юридик университети
Илмий бошқармаси бошлиғи

ЧИҚИНДИЛАР ЭНГ АРЗОН ХОМАШЁ. БУНДАН ФОЙДАЛАНА ОЛАЙМИЗМИ?

МУТАХАССИСЛАРНИНГ таъкидлашича, маиший чиқиндилар бутун дунёда арзон хомашё ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси унинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шимолий Европада аллақачон чиқиндиларни алоҳида йиғиш йўлга қўйилган ва натижада қоғоз, пластик, алюминий каби хомашёнинг катта қисми қайта ишлашга юборилади. Бу жараённинг экомўҳида ижобий таъсири жуда катта. Чиқиндиларни қайта ишлаш энергия ва хомашёни сезиларли даражада тежайди.

Статистик маълумотларга кўра, Японияда резина ва кабель буюмларнинг 34 фоизи, вишича буюмларнинг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндини қайта ишлаш эвазига олинаркан. Бу бордада Хитой тажрибаси янада ҳайратланарли. Улар алюминий, темир, мис каби металллардан ясалган буюмларнинг 33 фоизини, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларнинг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлашдан олади.

Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида маиший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21 фоиздан 50 фоизга етказиш вазифаси белгиланди. Мазкур вазифани ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 11 августда Президентнинг “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш

тизимини ислох қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тизимини такомиллаштириш, санитар тозалаш корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш ва соҳага давлат-хусусий шериклик жорий этилишини кенгайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари – санитар тозалаш корхоналаридан (давлат унитар корхоналаридан бундан мустасно) ундириладиган санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирашласига санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлардан 5 фоиз миқдордаги ажратмалар ва санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлардан 5 фоиз миқдордаги ажратмалардан иборат мажбурий тўловлардан озод қилинди.

Шунингдек, санитар тозалаш

корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳада узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларни амалга оширилишини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги тартибларни жорий этиш назарда тутилди:

2026 йил 1 январга қадар асосий фаолияти чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари учун ушбу фаолият тури бўйича фойдаланиш (тижорат банкларидан жойлаштирилган маблағлардан олинган фойзалардан ташқари) ва ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорда қўллаш. Каттик маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникаларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикка бериш муддати 7 йилдан 10 йилга ҳамда бир йиллик имтёзли давр билан узайтирилади. Бунда махсус автотранспорт воситалари ва техникалари баҳоловчи ташкилотлар

томонидан белгиланган нархларда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан солинади. Мазкур жараёнда ҳисобланадиган қўшилган қиймат солиғи солиқ органларини хабардор қилган ҳолда Солиқ кодексига белгиланган фойзалар ҳисоблашиб, 3 йил давомида бўлиб-бўлиб тўлашни мумкин. Маиший, қурилиш ва тиббиёт чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларнинг республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ўратилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб қилинадиган махсус техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилиниши бўйича имтёзларини 2025 йил 1 августга қадар узайтириш.

Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш жараёنларига давлат-хусусий шерикчилик асосида тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш мақсадида Тадбиркорлик фойдаланиши қўллаб-қувватлаш давлат жағмармаси томонидан қичик тадбиркорлик субъектлари бўлган санитар тозалаш корхоналарига: инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тижорат банкларининг миллий валютада

ажратиладиган кредитлари бўйича 50 фоизгача (50 фоиз ҳам қиради), бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилиликлар;

2024 йил 1 январга қадар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фойз ставкасини Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича унинг асосий ставкадан олган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил муддатга “2+1” тамойили асосида компенсациялар тақдим этилиши белгиланади.

Шу билан бирга, янги тартибга кўра, янги қуриладиган кўп қаватли уйлари чиқинди тўплаш жойларини белгиласан лойиҳалаштириш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш таққиланади ҳамда янги қуриладиган кўп қаватли уйлари чиқинди тўплаш жойлари улардаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда ҳамда атрофдаги мавжуд чиқинди тўплаш шобҳалари қуввати ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Аҳмаджон АХРОРОВ,
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

Судланувчи А. Бердиев судда айбига гуноҳ икдор бўлиб, М. Қобилова билан шаръий никоҳдан ўйиб, 2010 йилнинг ноябрь ойидан бугун унинг аввалги турмуши давомида тутилган уч нафар фарзанди билан биргалликда яшаб келганлигини айтади. Судланувчининг айтишича, улар Қибрай туманидан ховли-жой сотиб олиб, қурилиш ишларини бошлаган. Меҳрининг "Спарк" русумли автомашинаси бўлиб, у тилла такинчолар савдоси ва киракашлик билан шуғулланиб келган. Ўша куни улар автомашинада Тошкент шаҳрига қайтаётганларида ораларида ўзаро жанжал чиқади. Анвар автомашинадан тушиб, рул бошқарувидан ўтирган турмуш ўртоғи Меҳрини урганида хушидан кетиб қолади. Анвар жаҳл устида хали хушига келмаган аёлининг бўйиндан бўғиб, машинадан судраб олиб чиқади. Орқа эшикни очиб, Меҳрини орқа ўриндиқка ташлаб, юзига урганида у хушига келади. Яна уларнинг орасида жанжал чиқади. Жаҳл отига минган Анвар унга ташлаб, бир неча марта уриб, дўшослайди.

Меҳри кетма-кет урилган каттик зарбдан ўзига келолмайди ва шу ернинг ўзида жони узилади. Анвар эса, довлараб нима қилишини билимай қолади. У дастлаб ички ишлар бўлимига бориб, айбини тан олмоқчи бўлади. Лекин кўркув билан котиллигини яширишга уринади. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Меҳрини гуёки машинасида автохалокатга учраган қилиб кўрсатиб, бирон ерга ташлаб кетмоқчи бўлади. Ўша пайтда соат тунги 21 лар эди ҳамаси, дейди судланувчи воқеани бирма-бир эста оларкан.

Анвар канал устидан оқиб ўтган кўприк яқинига келиб, автомашинанинг орқа ўриндиқда жонсиз ётган Меҳрини олдинги ўриндиқка ўткази-

ЯҚИНДА жиноят ишлари бўйича туман судларидан бирида ўз аёлининг қотилига айланган А. Бердиевга (исм-шарифлар ўзгартирилди) тегишли жиноят иши қўрилди. Маълум бўлишича, воқеа оддий жанжалдан бошланиб, котиллик билан ақунланган. Кўриниб турибдики, жаҳлга эрк бериш ҳам оғир оқибатлар билан яқун топиши мумкин.

ЭР-ХОТИННИНГ ЎЗARO Жанжали Ўлим билан Яқун топди



ди. Уни гуёки автохалокатга учраган қилиб кўрсатиш мақсадида автомашинани эркин ҳолатга қўйиб, итариб юборди. Машина эса, канал устидан ўтган кўприкнинг бетон тўснигга тегиб, тўхтаб қолади. Анвар йўловчи машинада воқеа жойидан анча олислаб кетади. У уйга келиб болалардан онаси қаерга кетганлигини сўрайди ва гуёки ҳеч нарса билмагандек ички ишлар идорасига кўнгирак қилади-да, хотини бедарак йўқолганлигини айтади.

Жинорий иш шу тарика ички ишлар органи текширувига ўтади ва суриштирув, тергов ҳаракатлари давомида А. Бердиевнинг айдор одам ўлдирдиш жинорий ҳаракатини Жинорий кодексини 97-моддасининг биринчи қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади. Суд судланувчига нисбатан жазо тури ва миқ-

дорини белгилашда Жинорий кодексининг 55-моддасига мувофиқ, унинг айбига икдорлигини, қилмишидан чин кўнгиладан пушаймон эканлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди. Шунингдек, Жинорий кодексининг 56-моддасига мувофиқ, тайинланган жазони умумий тартибда колонияларда ўз аёлининг қотилига айланган А. Бердиевга нисбатан ҳукм ўқилди.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, экспертиза хулосаси ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмалари билан танишиб чиқди ва яқунги хулосага келди. Суд мажлисида ўз аёлининг қотилига айланган А. Бердиевга нисбатан ҳукм ўқилди.

Суд ҳукмига кўра, А. Бердиев Жинорий кодексининг 97-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жинорийти содир этганлиқда айбдор деб топилди ва 14 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Гулбахор ОРТИҚХҲҲАЕВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири



ОНА-БОЛА ЧАҚАЛОҚФУРУШЛАР ЖИНОЯТ УСТИДА КўЛГА ТУШДИ

ФИКРИЯНИНГ турмуши оилавий можаролар тўғрисида қўриқилган. Ота уйига сиғмаслигини билган қиз остона ҳатлаб "кўчага" чиқди. Унга кўча ҳаёти маъқулдек туюлди. Енгил ҳаётидаги гуноҳлари эвазига ҳомиладор бўлиб қолди.

2021 йилнинг баҳорида Пешкў туманидаги "Кўпанак" кишлоғида яшовчи Фикрия Жўраева (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) истамаган ҳамда никоҳсиз тутилган болани дунёга келтиргунча дунё азобини чекиши рости. Аммо тўлғоқ дариқдан-да оғирроқ – пушаймон ва орномус дарди унинг ич-эттини кемираётгандек бўлди. Чақалокнинг юмшоқ ипақдек нафис бармоқчаларини ушлаган эди, юраги ёниб кетди, қизалоқ уни қўйиб юборгиси йўқдек онасининг бармоқларига ёпишди...

Фикриянинг онаси Ш. Рўзиева қизи Гиждувон туманидаги туғуруқхонада эканлигини эшитиб йўлга отланди. Кўнглига чирок ёкса ёришмайди. Қизининг қишлоққа бола билан қайтиши шармандалик!

Туғуруқхона ёнида Наргиза исмли аёл билан танишиб қолган Шарифа тўлиб турган кўнглини тўкиб солди.

– Бу болани кўтариб қишлоққа боролмайди. Одамлар гап қилишадилар, – дея қуйинга бўлди она.

– Бу ноқоиз йўлдан қизингизни қайтара олмабсизда, афсус! Қимлардир тирноққа зор... Ҳа, айтганча, бир жиянининг фарзанди йўқ. Маслаҳатлашиб кўрай, кейин гаплашармиз, – деди ҳамсухбат Наргиза.

Шарифанинг дили ёришгандек бўлди. "Хайрият", деди юраги бироз тинчлангандек бўлиб. Вақтини бой бермасдан Наргиза билан телефон рақамларини ёзиб олишти.

11 апрель куни Наргиза кўнгирак қилиб қизалоқни олмоқчи эканлигини билдирди. Воқеадан қизи Фикрияни хабардор қилаётган Шарифа уни кўндиришга жон-жаҳди билан уринди:

– Мен уларга 8 миллион сўм берасизлар, 4 миллиони қизимга, 4 миллиони менга дедим.

– Она-а, қандай бўларкаан...?

– Қандай бўларди? Ҳаммаси яхши бўлади...

Аёлга тасниф берилгандан аввало, у она эканлиги, фарзанди учун жонидан кечшига ҳам тайёр буюк зот эканлигига ургу берилди. Аммо, ҳамма оналар ҳам бундай таърифга муносиб бўлавермас экан.

Она-бола фарзандфурушларнинг режасидан гуё азият чекаётгандек тинмай йиғлаётган чақалокнинг овози бутун туғуруқхонани, кейин эса, борлиқни ларзага келтиргандек бўлди...

Чақалокнинг харидори Наргиза анча чаккон экан, дарров қизалоққа гувоҳнома ҳам олиб келишти. Исминни Хайтхон деб қўйишти. Тош юракли, бешафкат оналар бағридан юлиб ташланган ХАЁТ...

Ҳозиргина ўз қизининг бағридан юлиб олиб, бегона бировга сотиб юборилган норасида неварасини эмас, қўлга киритилган 8 миллион сўм пулни ўйлаган бувининг, нахотки, юраги тошдан бўлса? Нега, бу хатти-ҳаракати учун қонун олдида ҳам, Парвардигор олдида ҳам жавоб бериши ҳақида ўйламади экан? Аслида, нопоқ кўчалардаги ҳаёти гуноҳларини шу тахлит яшириб, бу ёнига ҳеч нарса бўлмагандек, бош кўтариб яшаш қанчалар оғир!

2021 йил 12 апрель куни Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда Гиждувон туман жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан ўтказилган талдбир давомида чақалокфуруш она-бола – Ш. Рўзиева ҳамда Ф. Жўраевалар жиноят устида қўлга олинди. Улар қилмишларини учун қонун олдида жавоб бериши аниқ. Бирок виждон олдидаги жавобгарлик-чи?!

Бобир УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Гиждувон туман суди раиси

Е'ЛОНЛАР

Toшкент shahar adliya boshqarmasi tomonidan Advokatura to'g'risida'gi Qonun hamda Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 24-sentabrdagi 807-son qarori bilan tasdiqlangan Advokatlik guvohnomasini berish tartibi to'g'risidagi Nizomga asosan quyidagi ilovada keltirilgan advokatlarning advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyasing amal qilishi tugatilgan hamda advokatlik maqomi to'xtatib turilgan, shuningdek, advokatlik litsenziyasi va maqomi to'xtatib turilgan advokatlarning ro'yxati e'lon qilinmoqda:

Advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi litsenziyaning amal qilishi tugatilgan advokatlار

№	F.I.Sh.	Litsenziya sanasi va raqami	Buyruq sanasi va raqami
1.	Shernatov Jabbor Kurbonovich	25.01.2019, TN 001145	08.04.2022, 123 um-son
2.	Abdushukurov Ulugbek	04.12.2018, FE 000002	08.04.2022, 123 um-son
3.	Anortoyev Hayotbek Ismoiljon o'g'li	18.10.2019, TN 001619	14.06.2022 213-um-son
4.	Xashimov Shuxrat Mavlyanovich	25.01.2019, TN 001153	14.06.2022 213-um-son
5.	Li Aleksey Klimentevich	16.05.2019, TN 001509	14.06.2022 213-um-son
6.	Kafizov Anvar Mirzayevich	27.12.2019, TN 001659	14.06.2022 213-um-son
7.	Numanova Safiye Rustamovna	11.01.2019, TN000552	14.06.2022 213-um-son
8.	Abduraxmanov Dilmurat Shayikulovich	13.07.2017, TN 002241	21.05.2022 182-um-son
9.	Yuldashева Maxpuzha Shimalatovna	24.02.2022, TN 002145	07.06.2022 202-um-son
10.	Chonshambiyev Gulomjon Ergashevich	21.12.2018, TN 000042	26.07.2022 285-um-son
11.	Kamolov Dilshodbek Abdurautovich	10.05.2020, TN 001710	26.07.2022 285-um-son
12.	Axmedov Tashmirza Radjapovich	14.04.2017, TN 002201	26.07.2022 285-um-son
13.	Xoshimov Laziz Anvarovich	28.12.2018, TS 000256	26.07.2022 285-um-son
14.	Abasov Aleksandr Ibragimovich	08.09.2021, TN 002007	12.05.2022 162-um-son
15.	Madaminov Odilbek	23.03.2016, TN 002041	12.05.2022 162-um-son
16.	Xalamov Raxmatulla Xolmuratovich	17.01.2019, TN 000711	12.05.2022 162-um-son
17.	Aliev Yasan Xalkovich	09.01.2019, TN 000535	12.05.2022 162-um-son
18.	Em Sergey Vladimirovich	24.01.2019, TN 001081	20.04.2022 129 um-son

Advokatlik maqomi to'xtatib turilgan advokatlار

№	F.I.Sh.	Litsenziya yoki guvohnoma sanasi va raqami	Buyruq sanasi va raqami	To'xtatib turish muddati
1.	Karimov Javohir Lochin o'g'li	19.10.2021, TN 002029	21.05.2022 180-um-son	O'qish davriga
2.	Qochqorov Sherzod Basadovich	11.07.2021, TS 000452	27.06.2022 243-um-son	Ish davriga
3.	Abdullayev Aydarbek Sabirbayevich	22.01.2019, TN 000981	14.06.2022 216-um-son	14.06.2022-yildan 3 (uch) oyga
4.	Shukurov Tilov Umarovich	11.01.2019, TN 000576	14.06.2022 216-um-son	14.06.2022-yildan 3 (uch) oyga
5.	Bekimbetov Azamat Polatovich	18.01.2019, TN 000822	14.06.2022 216-um-son	14.06.2022-yildan 1 (bir) yilga
6.	Xayrullayeva Abdisamet	15.04.2019, 793	26.07.2022 284-um-son	2023-yil 1-yanvarga qadar
7.	Saltbovjayeva Mastura Sarneyevna	25.05.2019, TN 00118	20.04.2022 130 um-son	11.06.2022 yilga qadar

Advokatlik litsenziyasi va maqomi to'xtatib turilgan advokatlار

№	F.I.Sh.	Litsenziya yoki guvohnoma sanasi va raqami	Buyruq sanasi va raqami	To'xtatib turish muddati
1.	Muxiddinov Dilshod Kulbiddinovich	28.12.2018, GZ 000068	21.05.2022 180-um-son	2022-yil 7-apreldan boshlab 3 (uch) oyga
2.	Nam Sergey Klimentevich	24.12.2021, 2539	14.06.2022 219-um-son	2022-yil 18-maydan boshlab 2 (ikki) oyga
3.	Imanova Barchinoy Baxtiyorovna	22.01.2020, 1681	17.06.2022 225-um-son	Sud hukmi qonuniy kuchga kirguniga qadar yoxud reabilitatsiya qiluvchi asoslarga binoan uni jinoy javobgarlikdan ozod etish to'g'risida qaror qabul qilguniga qadar
4.	Sidikov Azizxon Solih o'g'li	05.10.2020, 1930	29.06.2022 247-um-son	2022-yil 16-maydan boshlab 3 (uch) oyga
5.	Karimov Ulug'BEK Uraltboyevich	27.12.2018, SA 00215	26.07.2022 283-um-son	Sud hukmi qonuniy kuchga kirguniga qadar yoxud reabilitatsiya qiluvchi asoslarga binoan uni jinoy javobgarlikdan ozod etish to'g'risida qaror qabul qilguniga qadar
6.	Gulamov Baxtiyor Sultanmuratovich	23.01.2019, TN 001033	20.04.2022 130 um-son	Sud hukmi qonuniy kuchga kirguniga qadar yoxud reabilitatsiya qiluvchi asoslarga binoan uni jinoy javobgarlikdan ozod etish to'g'risida qaror qabul qilguniga qadar
7.	Mavlyanov Raximjan Abdixamidovich	02.10.2019, TN 001603	12.05.2022 161-um-son	24.03.2022-yildan 2 oy muddatga

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 19-avgustdagi 161-um-sonli buyrug'iga asosan, "Komil Huquqshunoslar" advokatlik firmasi advokati Saidxonov Avaz Abdug'ahhorovichga "Iqtisodiy va fuqarolik", "Ma'muriy va jinoy" sud ishlarini yuritish ixtisosliklari bo'yicha advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi GZ-000168-sonli litsenziyasi va 165-sonli advokatlik guvohnomasini; "Kafolat" advokatlari ha'yi advokati Vakkasov Farhod Yusufxon o'g'liga "Iqtisodiy va fuqarolik", "Ma'muriy va jinoy" sud ishlarini yuritish ixtisosliklari bo'yicha advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi GZ-000167-sonli litsenziyasi va 164-sonli advokatlik guvohnomasini berilganligi ma'lum qilindi.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази иштирокчиси Мафтуна Қурбонова юридик хизмат ходимини лавозимга қабул қилишда лавозимга тайинлаш, малака ошириш имтиҳони ҳамда аттестациядан ўтиш жараёнларини соддалаштириш таклифини билдирди. Бу борада юристлар малакасини ошириш маркази томонидан амалга оширилган ягона юридик касбий малака имтиҳонларини жорий этиш, юридик хизмат кўрсатиш фаолияти соҳасида уларни лавозимга қабул қилиш, аттестациядан ўтиш жараёнларини соддалаштириш таклифини илгари сурди.

Интеллектуал мулк департаментидан қатнашган Камола Тўхтаева интеллектуал мулк соҳасига оид қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонундан “Товар келиб чиққан жой номлари” объектини ажратиб (яъни, товар белгиларидан), “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги Қонун билан бирлаштириш, уларнинг номларини эса “Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари”, “Географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонун сифатида ўзгартириш таклифини билдирди.

“АДЛИЯ АЁЛИ” ТАНЛОВИ:

Билим, маҳорат ва нафосат намойиши!



Юристар малакасини ошириш маркази иштирокчиси Шахзода Абдуллаева барча регламентларни яхлитлаштириш асосида бир-бирига боғлиқ хизматлар бўйича битта ариза асосида аҳолининг юмушини энгиллаштириш ва вақтинчи тежаш, автоматлаштирилган пенсияга чиқиш тартибини жорий этиш, шунингдек, адвокатлар хизмат кўрсатиш нархини белгилаш бўйича ягона тартиб жорий этиш юзасидан қонунчиликка ўзгартириш киритиш таклифини берди.

Қорақалпоғистонлик иштирокчи Нурья Бердиниязова бюджет ташкилотларида бир неча вазифаларни бажараётган, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масала-



ҳодим ўз вазифасидан ташқари ишларни бажарса, у ҳолда қўшимча иш учун муносиб ҳақ тўланиши ҳақидаги нормани муस्ताҳкамлаш зарур.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳар бир таклифни синчиклаб ўрганиб, унинг долзарблиги, янгилиги, халқро тажриба қанчалик таҳлил этилганига эътибор беришди.

Пазандалик аёлларнинг зийнати. Учинчи шартда аёллар ўзбек миллий шох таомларидан бўлган паловни ўчоқда дамлашди. Иштирокчилар оиладаги пазандалигини, бекалигини намойиш этишди. Ҳаммага бир хил масалликлар берилди. Ошлар эса ҳар хил рангда, ҳар хил тавьмда тайёрланди. Мазакур шарт жуда қизиқарли ва самимий руҳда бўлиб ўтди.

Тўртинчи шартда танлов иштирокчилари кундалик турмушда учрайдиган муаммоли вазият (казус) га ҳуқуқий тушунтириш берди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан ишти-

роқчининг муаммоли вазиятга тўғри ва тўлиқ ҳуқуқий тушунтириш бера олиш қобилияти баҳоланди. Жумладан, самарқандлик иштирокчи Сарвиноз Ҳайдарова корхона директори касал бўлганлиги боис, янги ишга кирган ходим, гарчи, бир ой давомида биринчи ўринбосар топшириғига кўра ишлаган бўлса-да, кадрлар бўйича инспектор унга буйруқ чиқармаганлигини, ишга қабул қилиш фақатгина иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилишини айтганлигини, бу қонуний ёки ноқонуний эканлиги бўйича саволга жавоб берди. Унинг жавобига кўра, бу ерда ноқонуний ҳолат юзага келган. Меҳнат қончилигида ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади. Шунга кўра, ходимнинг ишга қабул қилинганлиги буйруқ билан расмийлаштирилмаган бўлса-да, у билан 1 октябрдан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Жиззахлик Наргиза Файзиевага эса декрет ичиди яна декретга чиқиш мумкинми деган савол тушди. Н. Файзиева ўзи юридик хизмат йўналишида фаолият юритишини ва бу каби ҳолатлар кўп қайд этилаётгани, қонунчиликка кўра, ходимларга декрет ичиди яна декретга қақадиган бўлса ҳам тўлов амалга оширилиши кераклигини, яъни, болани парварилаш бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган

нунга асосан, агар товар ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги, зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлиги ва бу бўйича Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилиши кераклигини, нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар тўғрисида истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлигини билдирди.

Энг сўнги шарт эркин шарт ҳисобланиб, ушбу шартда танлов иштирокчиларининг ижодий қизиқишлари ва салоҳияти, сеvimли машғулотлари яна бир бор синовдан ўтказилди.

– Тизимда 20 йилдан буён

қонунга бўлган тариф ставкаси жойларда белгиланган туман коэффиценти ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда олинишини таъкидлади.

Шунингдек, ушбу шартда энг яхши натижа қайд этган қорақалпоғистонлик иштирокчи Нурья Бердиниязовага интернетдан онлайн тарзда телефон сотиб олинганда сайтнинг рекламасида кўрсатилган маълумотлар билан уни етказиб беришдаги ҳолат тўғри келмаганлиги, бундай вазиятда қандай йўл тутиш кераклиги бўйича савол берилди. Иштирокчининг жавобига кўра, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қо-



нунга асосан, агар товар ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги, зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлиги ва бу бўйича Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилиши кераклигини, нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар тўғрисида истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлигини билдирди.

Энг сўнги шарт эркин шарт ҳисобланиб, ушбу шартда танлов иштирокчиларининг ижодий қизиқишлари ва салоҳияти, сеvimли машғулотлари яна бир бор синовдан ўтказилди.



ишлаб келаман, – дейди наманганлик Қурбоной Каримова. – Биринчи марта ўтказилаётган ушбу танловда иштирокчилар ҳаяжонига шерик бўлдик. Улар хурсанд бўлса хурсанд бўлдик, ўйланса ўйландик, қулса қулдик, хуллас, улар билан тенг иштирокчига айландик. Адлия аёли ҳам қонун ижодкори, ҳам ҳуқуқий маслаҳатчи, ҳам ташаббускор, шижоатли, пазанда, оқила ва меҳрибон аёл эканлигини ҳар бир иштирокчи амалда исботлашга ҳаракат қилди. Бу ҳар бир аёлга кучли мотивация беради.

Тадбир сўнггида “Ҳадича Сулаймонова издоши” номинацияси ғолиби ҳам аниқланди. Унга кўра, Адлия вазирлигида 26 йилдан буён фаолият юритаётган, катта тажрибага эга, ташаббускор, самимий, ҳамкасблари орасинотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги, зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли эканлиги ва бу бўйича Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилиши кераклигини, нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар тўғрисида истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлигини билдирди.

Кўрик танловнинг энг ҳаяжонли дақиқаларида “Адлия аёли” танловининг 1, 2 ва 3-ўрин соҳиблари номлари эълон қилинди.

Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказидан Фарангиз Қаюмова – биринчи ўринни, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлигидан Нурья Бердиниязова – иккинчи ўринни, Жиззах вилоят адлия бошқармасидан Наргиза Файзиева – учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга диплом ва мукофот сертификатлари топширилди.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири